



# MANAGEMENT AND ECONOMICS SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

MENEJMENT VA IQTISODIYOT  
ILMIY-TADQIQOT JURNALI

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ  
ЖУРНАЛ МЕНЕДЖМЕНТА И ЭКОНОМИКИ



journals@timeedu.uz



+998 95 651 90 00

## MUNDARIJA

<b>Шарипов К.А., Хотамов И.С.</b>	Основные направления развития «зелёной» энергетики в Узбекистане.....	2
<b>Хашимов Б.А., Ахмедов Х.Д., Махкамова С.Г.</b>	Совершенствование учета поступления и выбытия нематериальных активов по договору обмена в нефтегазовой отрасли Республики Узбекистан.....	10
<b>Narbayev Sh.K., Sadullayev S.N.</b>	Dehqon xo'jaliklarida yerdan foydalanish samaradorligining o'zgarish tendensiyalari.....	20
<b>Nosirova N.J.</b>	Reklama – marketing kommunikatsiyasining biznesga ta'siri.....	26
<b>Samadov A.N.</b>	Innovative Service Marketing: Russian Experience.....	34
<b>Temirov A.A.</b>	Prospects for digitalization of corporate governance in corporate structures of the Republic of Uzbekistan.....	42
<b>Sobirov A.A.</b>	Sanoat klasterlari – sanoat salohiyatini oshirishning strategik yo'naliishi sifatida.....	51
<b>Rajabov N.R., Adilova M.T., Xasanova N.N.</b>	Mintaqalar iqtisodiy-ekologik barqaror rivojlanishining tashqi va ichki tahdidlari.....	60
<b>Azlarova M.A.</b>	Waste management activities and methods.....	71
<b>Кадирова И.Б.</b>	Анализ состояния и тенденций развития свободных экономических зон в Республике Узбекистан.....	74
<b>Fozilova F.K.</b>	Importance of children's financial education and behavior	78
<b>Фарходова Ш.Ш.</b>	Новые тенденции развития современного менеджмента в цифровой экономике: проблемы и решения.....	83
<b>Ostanaqulov X.M.</b>	Sun'iy intellekt va avtomatlashtirishning iqtisodiy ta'siri: O'zbekiston misolida.....	87
<b>Karrieva Y.K.</b>	Ways of development of innovative logistics in Uzbekistan	95
<b>Masharipova Sh.A.</b>	Transport-logistika klasterlari faoliyati bo'yicha xorij tajribasi va uni O'zbekistonda qo'llash imkoniyatlari.....	100
<b>Xudayberdiyev O'.E</b>	Mamlakatda qoramolchilik mahsulotlari marketingini rivojlantirish yo'nalichlari.....	111
<b>Каримов В.А.</b>	Қишлоқ хўжалиги маҳсулот ишлаб чиқаришида қишлоқ хўжалиги техникаларининг аҳамияти .....	116
<b>Qahhorov Sh.G'.</b>	O'zbekiston tijorat banklarining "muammoli kreditlari"	122
<b>Мурадов Ф.Д.</b>	Конституция: ижтимоий адолатнинг кафолати .....	125
<b>Karimova S. T.</b>	Konstitutsiya – ishonchli kelajak va farovon hayot Qomusi	131
<b>Arziqulov E.A.</b>	Konstitutsiya farovon taraqqiyotimiz garovi.....	137
<b>Azim Davron.</b>	Jadid matbuoti: Ismoil Gasprali va Hamza Hakimzoda.....	142
<b>Baxanurov O. O.</b>	Digital Currencies and Central Banks: An Analysis from a National Economic Security Perspective	148
<b>Akbarov Sh.X.</b>	Raqamli texnologiyalarni qo'llash orqali korxonalarda HR menejment tizimini takomillashtirish ("O'zbekiston temir yo'llar" AJ misoolida)	155
<b>Kodirov S.Q.</b>	Logistika va Iqtisodiyot	160

## ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИДА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**Каримов Валижон Алиевич**  
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мақолада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришида механизация воситаларининг тутган ўрни ва таъсири пахтачилик мисолида ёритилган. Агротехник тадбирларнинг қишлоқ хўжалиги машиналари орқали бажарилиши соҳада тезкорлик, замонавийлик, сифатлиликни таъминлаши асосланган.

**Калим сўзлар:** мақсадли бозор, истеъмолчи, товар, баҳолаш, эҳтиёж, фойда, мақсад, технология, барқарорлик, имконият, қишлоқ хўжалиги механизацияси.

**Annotation.** This article describes the role and impact of mechanization in the production of agricultural products on the example of cotton. Implementation of agro-technical measures through agricultural machinery is based on ensuring speed, modernity, quality in the field.

**Key words:** target market, consumer, brand, appraisal, demand, profit, goal, technology, sustainability, opportunity, agricultural mechanization.

**Аннотация.** В статье описывается роль и влияние механизации в производстве сельскохозяйственной продукции на примере хлопка. Осуществление агротехнических мероприятий с помощью сельскохозяйственной техники основано на обеспечении скорости, современности, качества в поле.

**Ключевые слова:** целевой рынок, потребитель, бренд, оценка, спрос, прибыль, цель, технология, устойчивость, возможность, механизация сельского хозяйства.

**Кириш.** Маълумки, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техника-технологиясиз тасаввур этиш қийин. Қишлоқ хўжалиги машина-созлиги соҳасида илмий-техничавий салоҳиятни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникасининг янги турларини ўзлаштиришга йўналтирилган ягона илмий-техникавий ва инвестициявий сиёсатни олиб бориш, республиканинг қишлоқ хўжалигида ресурсларни тежайдиган агротехнологияларни жорий этишни таъминлаш, юқори қувватга эга қишлоқ хўжалиги техникаси ва механизация воситаларини ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни барпо этиш замон талаби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 4 январдаги ПҚ-3459-сонли “Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида агротехник тадбирларни муддатида сифатли амалга оширишни таъминлаш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу мақола муайян дарражада хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда

Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ўртасида 2016 йилнинг 28 сентябрида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва илғор технологиялар билан алмашишни, шунингдек, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик ўзбек-корея марказини ташкил этишни назарда тутадиган “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича ўзаро меморандум” имзоланганлиги ҳам мавзунинг долзарблигини ифодалайди. Меморандумга мувофиқ, Ўзбекистон томони ишлаб чиқариш майдонлари ва уларни реконструкция қилишни, Корея томони қўшма марказ фаолиятини ташкил этиш учун зарур ускуналар тақдим этилишини таъминлаб келмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Дунёнинг аграр иқтисодчи етакчи хорижий олимлари, жумладан, Ю.Цеддиес, Э.Райш, К.Р.Макконел [9] каби олимлар узоқ вақтдан буён қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ер ва сувни табиий ресурслар ҳамда техника, технология, уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғини моддий ресурслар сифатида иқтисод қилиш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг микро ва макродаражадаги аҳамияти, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва экологик жиҳатдан афзаллиги масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Мамлакатимизда мазкур муаммо бўйича Р.В.Абдуллаев, Б.Б.Беркинов, О.Муртазоев, Ў.П.Умурзаков, Ф.Қ.Қаюмов, Ф.Х.Кудратов [10] ва бошқа аграр иқтисодчи


олимларнинг илмий ишларида аграр соҳада ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш, иқтисодий мутаносибликнинг шаклланиши, маҳсулот етиштиришда янги технологиянинг асосий моҳияти, тармоқни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш каби масалалар ўрганилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, барча ишлаб чиқарувчиларга teng шароитлар яратиш тармоқнинг инвестицияий жозибадорлигини оширади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва унга сервис хизматини кўрсатиш учун бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилишда товарлар эркин муомалага (импортга) чиқаришнинг божхона режимига жойлаштирилган санадан бошлаб кўшилган қиймат солиғини 270 кун кечиктириб тўлашига рухсат берилиши ҳам соҳа субъектларини рағбатлантиради.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизимининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги тармоғининг ривожланишига олиб келади. Ишлаб чиқарилаётган мавжуд техника турларини оптималлаштириш ва янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг бюджет моделини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари учун янги миллий “брэнд”ни яратиш лозим. Боғдорчилик, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик йўналишида техника турларини ишлаб

чиқаришни кенгайтириш ва умумий ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳам айни пайтдаги муаммолардан ҳисобланиб, тезкор чора-тадбирларни талаб этади.

Ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган экспорт улуши оширилаётган бўлса-да, ҳали қилинадиган ишлар талайгина.



### 1-расм. Замонавий корпоратив бошқариш усуллари [11]

Замонавий корпоратив бошқариш усулларини, хусусан, «ERP» автоматлаштирилган ҳисобга олиш, «GMS» ишлаб чиқаришни бошқариш ва «BIQ» сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ҳам тизимни ривожлантиришга олиб келади.

**1-жадвал**  
 Ундан ташқари қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация техникаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозим.

№	ВАЗИФАЛАР
1.	Қишлоқ хўжалиги техникасининг амалий масалалари бўйича илмий-текшириш ва инновация ишларини олиб бориш
2.	Ресурс тежовчи агротехнологиялар бўйича пахта, ғалла, боғдорчилик-узумчилик, сабзавот-дуккакли ўсимликларни қайта ишлаш учун замонавий қишлоқ хўжалиги техникасининг янги турларини, шунингдек, маҳсус техниканинг бошқа турларини ишлаб чиқиш
3.	Янги машиналар ва ускуналарнинг тажриба намуналарини ишлаб чиқариш учун технологик асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш
4.	Тармоқ корхоналарида уларни кейинчалик жорий этиш мақсадида замонавий технологиялар ва ускуналардан фойдаланган ҳолда янги қишлоқ хўжалиги техникаси тажриба намуналарини тайёрлаш
5.	Қишлоқ хўжалиги техникасининг янги намуналарини синовдан ўтказишни ўз ичига олган тармоқдаги илмий-текшириш, инновация ва тажриба-конструкторлик ишларини мувофиқлаштириш
6.	Тармоқ корхоналари ва республиканинг бошқа ташкилотлари ўртасида илмий-техникавий кооперацияни ривожлантириш
7.	Машинасозлик соҳасидаги илғор хорижий илмий-текшириш институтлари, инжинииринг марказлари, ишлаб чиқарувчи компаниялар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш

## Қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар [12]

Қишлоқ хўжалиги техникаларининг маҳаллийлаштирилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг камайиши, истеъмолчилар учун харид имкониятининг ошишига олиб келади. Сабаби шундаки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари таркибида механизация хизматларига қилинган харажатлар ҳам катта миқдорни ташкил қиласди.

Оддий мисол: “Муҳаммад-Хотам” ва “Барчиной-Шахноза” фермер хўжаликларининг молиявий кўрсаткичлари таққослама таҳлилини кўришимиз мумкин.

2-жадвал маълумотларига кўра, тумандаги “Муҳаммад-Хотам” фермер хўжалигига 2019 йилда жами харажатлар 355.6 млн. сўм, фойда 115.4 млн. сўм, рентабеллик даражаси 338 фоизлик ижобий натижалар қайд этилган. Шу йилда “Барчиной-Шахноза” фермер хўжалигига эса жами сарф-харжатлар 85.2 млн. сўмни, фойда 21.2 млн. сўмни, рентабеллик даражаси 20.2 фоизни ташкил этган. Мазкур фермер хўжаликларида пахта етиштириш жараёнидаги бундай фарқларнинг мавжудлиги амалга оширилган агротехник тадбирларнинг турли шакларидан фойдаланганлиги бўлди.

Механизация воситаларининг далаға кириш сони ҳам катта аҳамият касб этган. Ушбу ҳолат илғор техникалардан қанчалик оқилона фойдаланганлиги билан ҳам боғлиқ.

**Хуласа ва таклифлар.** Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган техникалар билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини инкор қилмаган ҳолда ушбу жараёнлар етарли эмаслиги уни янада жадаллаштиришни талаб этади. Қишлоқ хўжалиги тармоғини етарли даражада техника билан таъминламас эканмиз, соҳада оқсоқликлар вужудга келаверади. Масалан, қишлоқ хўжалиги мавсумий характерга эгалиги боис айни фурсатларни бой беришлик катта йўқотишларга олиб келади. Экинларга вақтида агротехник тадбирларнинг бажарилиши қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминланганлик даражаси билан боғлиқ.

**Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги “Мұхаммад-Хотам” ва  
 “Барчиной-Шахноза” фермер хўжаликларининг молиявий  
 кўрсаткичлари таққослама таҳлили (млн. сўмда)**

**2-жадвал**

	<b>Харажат турлари</b>	<b>Мұхаммад-Хотам ф/х</b>				<b>Барчиной-Шахноза ф/х</b>			
		<b>2019 й.</b>	<b>Салмоғи, %</b>	<b>2020 й.</b>	<b>Салмоғи, %</b>	<b>2019 й.</b>	<b>Салмоғи, %</b>	<b>2020 й.</b>	<b>Салмоғи, %</b>
<b>1.</b>	<b>Жами харажатлар</b>	<b>201.4</b>	<b>100</b>	<b>355.6</b>	<b>100</b>	<b>73.9</b>	<b>100.0</b>	<b>85.2</b>	<b>100.0</b>
a)	Иш ҳақи, ажратмалари билан	60.4	30.0	120.9	34.0	21.5	29.1.	20.3	24.0
б)	Минерал ўғитлар	44.33	22.0	74.6	21.0	13.6	18.2	16.2	19.2
в)	Уруғлик қиймати	6.0	3.0	10.6	3.0	2.9	4.0	5.0	5.8
г)	Ўсимликларни ҳимоя қилиш	4.0	2.0	7.1	2.0	1.4	2.0	1.7	2
д)	Механизация хизмати	26.1	13.0	42.6	12.0	8.3	12.5	10.4	12.2
e)	ЁММ қиймати	38.1	19.0	64.0	18.0	16.4	22.4	19.6	23.0
ж)	Ягона ер солиги	14.0	7.0	21.2	6.0	5.4	7.4	6.9	7.8
з)	Бошқа харажатлар	8.5	4.0	14.2	4.0	3.5	4.4	5.1	6.0
<b>2.</b>	<b>Жами даромад</b>	<b>272.2</b>	<b>х</b>	<b>456.0</b>	<b>х</b>	<b>67.3</b>	<b>х</b>	<b>64.1</b>	<b>х</b>
<b>3.</b>	<b>Фойда, зарар (+,-)</b>	<b>70.7</b>	<b>х</b>	<b>115.4</b>	<b>х</b>	<b>-6.6</b>	<b>х</b>	<b>- 21.2</b>	<b>х</b>
<b>4.</b>	<b>Рентабеллик даражаси, %</b>	<b>35.1</b>	<b>х</b>	<b>33.8</b>	<b>х</b>	<b>-8.9</b>	<b>х</b>	<b>- 20.2</b>	<b>х</b>

Шу билан бирга, маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация тизими йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган техникаларда импорт қисмлари улушкининг юқорилиги, аграр секторни техника билан таъминлашнинг барқарор тизими мавжуд эмаслиги, техникаларга сервис хизмати кўрсатишнинг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги ҳамда илм-фан билан

ишлаб чиқаришнинг уйғунлашмаганлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ йўлга қўйиш, аграр секторни ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос келадиган замонавий ва арzon қишлоқ хўжа-

лиги техникалари билан таъминлаш, шунингдек, соҳани давлат то-

монидан қўллаб-куватлаш тизимини жорий этиш зарур ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Цеддиец Ю., Райш Э. Экономика сельскохозяйственных предприятий. – М.: Издательство МСХА, 2000. С. 73.
2. Макконел К.Р. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – Таллин, 1993. С. 38.
3. Абдуллаев Р.В. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш. Автореф. дис. ... иқт. фан. докт. – Т., 2001. – 46 б.
4. Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. – Т.: Издательство “Фан”, 1990. С. 128.
5. Муртазоев О. Пахтачилик мажмуаси самарадорлигининг методологик масалалари. Автореф. иқт. фан. докт. – Т., 2009. – 12 б.
6. Умурзаков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. – Т.: Фан, 2005. С. 211.
7. Қаюмов Ф.К. Эффективность и АПК в условиях перехода к рынку. – М.: ИПО Полигрант, 1992. С. 160.
8. Қудратов F.Х. Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида ғаллачилик тармоғи самарадорлигини ошириш. Автореф. дис. ... иқт. фан. докт. – Т., 2008. – 12 б.
9. Цеддиец Ю., Райш Э. Экономика сельскохозяйственных предприятий. – М.: Издательство МСХА, 2000. С. 73; Макконел К.Р. Экономикс: принципы, проблемы и политика. – Таллин, 1993. С. 38.
10. Абдуллаев Р.В. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш. Автореф. дис. ... иқт. фан. докт. – Т., 2001. – 46 б.; Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. – Т.: Издательство “Фан”, 1990. С. 128; Муртазоев О. Пахтачилик мажмуаси самарадорлигининг методологик масалалари. Автореф. иқт. фан. докт. – Т., 2009. – 12 б.; Умурзаков У.П. Повышение эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики Узбекистана. – Т.: Фан, 2005. С. 211; Қаюмов Ф.К. Эффективность и АПК в условиях перехода к рынку. – М.: ИПО Полигрант, 1992. С. 160; Қудратов F.Х. Иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида ғаллачилик тармоғи самарадорлигини ошириш. Автореф. дис. ... иқт. фан. докт. – Т., 2008. – 12 б.
11. Муаллиф томонидан мавжуд усуllар умумлаштирилди
12. Муаллиф тадқиқотлари асосида.

**Ingliz tili muharriri:** Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi  
**Musahhih:** Vahobova Marfua Mirkamalovna  
**Sahifalovchi va dizayner:** Zoirov Sardor Ziyodin o'g'li

---

## 2024. 1-son

---

© Materiallar ko'chirib bosilganda “**Management and Economics Scientific Research Journal**” jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamatardagi dalillarning aniqligiga mualliflar ma'sul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelamasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pullik asosda chop etiladi.

El. pochta: [journals@timeedu.uz](mailto:journals@timeedu.uz)

Tel.: +998 95 651 90 00

“Management and Economics Scientific Research Journal” jurnali 19.09.2024-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 404368-son reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan. Litsenziya raqami: C-5669639

PNFL: 308906510

---

**Manzilimiz:** Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani  
Shota Rustaveli ko'chasi, 114